

## ЁШЛАРНИ НОСТАНДАРТ ФИКРЛАШГА ЎРГАТИШ: ЗАРУРАТ ВА ЭҲТИЁЖ

Гулчехра Раҳмонова

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси

### АННОТАЦИЯ

Бугунги кун педагогикасида билимлар ўргатишдан кўра, уларни ўрганишга ўргатиш кўпроқ аҳамиятли ҳисобланади. Миллий педагогикамиз яқин йилларга қадар ўқувчиларга инсоният томонидан шу пайтга қадар эгалланган мавжуд билимларни ўргатишни энг мақбул йўл сифатида қараб келди. Ушбу мақолада ёшларни ностандарт фикрлашга ўргатиш бугунги кунда нафақат зарурият балки эҳтиёжга айланганлиги ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** ёшлар, фикрлаш, ностандарт, ностандарт фикрлаш, ўқувчи, билим, ўргатиш.

### TEACHING YOUNG PEOPLE TO NON-STANDARD THINKING: NEED AND NEED

### ABSTRACT

In today's pedagogy, teaching them to learn is more important than teaching them knowledge. Until recent years, our national pedagogy has considered the most appropriate way to teach students the existing knowledge that has been acquired by mankind so far. This article highlights the fact that teaching young people to think non-standard has become not only a necessity but also a necessity today.

**Keywords:** youth, thinking, non-standard, non-standard thinking, reader, knowledge, teaching.

### КИРИШ

Ҳар бир халқ, ҳар бир миллатнинг эртанги куни бугун вояга етаётган авлод тақдири билан узвий боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан айтганда, мамлакатимизда ўтган давр мобайнида таълим тизимини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, ўғил-қизларимизнинг жаҳон андозаларига мос шароитларда билим олишини, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук инсонлар бўлиб улғайишини таъминлаш, қобилият ҳамда

иктидорини, интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, таълим жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, илғор педагогик технологиялар ҳамда ўқитиш шакллари жорий этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Айтиш керакки, тафаккур атроф муҳитни, ижтимоий ҳодисаларни, воқеликни билиш қуроли, шунингдек, инсон фаолиятини амалга оширишнинг асосий шarti саналади. У сезги, идрок, тасаввурларга қараганда воқеликни тўла ва аниқ акс эттирувчи юксак билиш жараёнидир. Тафаккур кўпгина фан соҳалари (фалсафа, мантиқ, жамиятшунослик, педагогика, физиология, кибернетика, биология)нинг тадқиқот объекти ҳисобланади.

Замонавий глобаллашган мураккаб, ночизиқли оламда яшаш ва фаолият юритиш ҳамда турли муаммоларни ечими учун ностандарт ва креатив фикрлаш заруриятга айланмоқда. Замонавий илмий адабиётларда ностандарт фикрлаш (Эдвард де Боно [8-11], А.Кашкаров [6], Ч.Филлипс [3]), мураккаб тафаккур (К.Майнцнер [7], М.Н.Абдуллаева [3], М.К. Ниязимбетов [18]), креатив фикрлаш (Г.Ғ. Ғаффарова [2-5; 11-17], Г.О. Жалалова [12] ва Э.М.Иззетова), танқидий тафаккур каби тушунчалар тадқиқ ва таҳлил этилган.

Хусусан, латерал фикрлаш (инглизча латерал фикрлаш - латерал, кўндаланг, ён томонга йўналтирилган) - бу муаммони ҳал қилишда инсоннинг мантиқий тафаккури томонидан эътиборга олинмайдиган максимал ёндашувлардан фойдаланган ҳолда, қутидан ташқарида фикрлаш қобиляти. Ушбу атама 1967 йилда Эдвард де Боно томонидан таклиф қилинган ва 1970 йилда унинг "Латерал фикрлаш: босқичма-босқич ижод" [11] (1970) китоби нашр этилган. Дарҳақиқат, латерал фикрлаш қийин муаммоларни ғайриоддий усуллар ёрдамида ёки оддий мантиқий фикрлаш томонидан эътиборга олинмайдиган элементлардан фойдаланган ҳолда ҳал қилишга ёрдам беради.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Маълумки, ўқитишда билимлар ўқувчи онг ва тафаккурига тайёр ҳолда сингдириларди. Бу жараёнда билимлар адабиётларда тайёр ҳолда мавжуд бўлади ва буни ўзлаштириш ўқувчилар учун ҳам, ўқитувчилар учун ҳам қаноатланарли ҳисобланади. Аммо бу ўқувчиларда масала ва ҳодисалар моҳиятини англашга нисбатан ижодий ёндашувни назарда тутмайди, фақат

мавжуд билимларни ёдлаш, уларни амалиётга жорий этиш бу турдаги педагогиканинг бош мақсади сифатида қаралади. Бундай ёндашувда ўқувчининг қанчалик кўп билимни ёдда сақлаганига қараб унинг билими ҳақида хулосалар чиқарилади. Бу, тўғри, аммо билим олиш жараёни икки босқичдан иборатлигини, биринчи босқич билимларни эгаллаш, иккинчи босқич ундан хулосалар чиқариш эканлигини ҳисобга олсак, бу усул тугалланмаган методика эканлиги ойдинлашади.

Билим билим учун хизмат қилмас экан, унинг оддий ахборотдан фарқи қолмайди. Ахборот эса бу билим дегани эмас. Яъни, мавжуд билимлар янги билимларни кашф этиш учун пойдевор сифатида хизмат қилиши, жараёни занжирли реакция сифатида давом этишини таъминлайди. Бунинг учун ўқувчилар масаланинг моҳиятини англаши, сабаб ва оқибатларни тушуниб етиши ва хулосалар чиқариш кўникмасига эга бўлиши лозим бўлади.

Узоқ йиллар давомида педагогиканинг мақсад ва муддаоси шундай бўлиб келди: ўқитувчилар ўқувчиларга ўзларининг билганларинигина рўқач қилиб, ўқувчиларнинг ундан нари ёки берига ўтишлари рағбатлантирилмади. Натижада, бир неча авлод ўқувчилар адабиётларда мавжуд билимларни эса сақлаб қолиш, уларни кўр-кўрона ёдлаш, борингки, олган билимларини амалиётда тадбиқ этишдан нарига ўта олишмади. Бу эса ўқувчиларда педагогик жараёнда энг муҳим бўлган ностандарт фикрлашга бўлган рағбатни йўқотди. Қанчадан-қанча хотираси билим ва информацияга тўлиб тошган иқтидорли ўқувчилар ишлаб чиқариш жараёнига сингиб “йўқолиб” кетди.

Ваҳоланки, агар уларда ностандарт фикрлаш кўникмаси шакллантирилганда, бу борадаги уларнинг интилишлари рағбатлантирилганда мамлакатимиздаги фан ва технологиялар соҳаси бугунгидан кўра анча юксак марраларни забт этган бўларди. Хўш, илм-фан ривожини учун шунчалик аҳамиятли бўлган “ностандарт фикрлаш” деганда нимани тушуниш керак? У қандай намоён бўлади ва қандай натижаларга олиб келади?

Аввало “ностандарт фикрлаш” тушунчасининг ўзига изоҳ бериб ўтсак: бу тушунча кишиларнинг оддий фикрлаш тарзига номувофиқ, ғайриоддий фикрлаши, нооддий усул ва йўллар билан хулосалар чиқариши; вазиятдан чиқишнинг ҳатто ғайритабиий, аммо энг мақбул муқобилларини излаб топиш, масалалар ва ҳодисаларга нисбатан ҳар доим ижодий фикрлаш орқали ёндашиш кўникмасидир. Дарҳақиқат, ностандарт фикрлаш кўникма бўлиб, бунга йиллар

давомида фикрлаш тарзини мунтазам машқ қилдириш ёрдамида эришиш мумкин.

Ҳар қандай кучли иқтидор эгаси ностандарт фикрлаш тарзи маҳсулидир. Одатий фикрлаш тарзи кишидаги иқтидорни юзага чиқармайди, унинг ижодий, интеллектуал ва илмий салоҳиятининг ривожланишига тўсқинлик қилади. Оқибатда, қанчалик иқтидор ва салоҳият эгаси бўлмасин, одатий фикрлаш тарзига кўниккан инсон нари борса бой информацион базага эга “билимли ўқувчи” ёки “ходим”дан нарига ўта олмайди.

Модомики, гап ностандарт фикрлаш ҳақида борар экан, қуйидаги воқеа ушбу тушунчанинг мазмун-моҳиятини тушунишимизга ёрдам беради, деб ўйлаймиз: “Бир куни университет ўқитувчиси Қироллик Академияси Президенти, физика фани бўйича Нобель мукофоти совриндори Эрнест Резерфордга бир масалада ёрдам сўраб, мурожаат қилади. У бир талабасига физика фанидан имтиҳонда энг паст баҳо қўймоқчи эканлигини, лекин талаба бу баҳога рози эмаслигини айтади. Уларнинг ҳар иккиси: ўқитувчи ҳам, талаба ҳам учинчи бир ҳолис шахснинг фикрини сўраб кўришга рози бўладилар. Улар бу масалада Резерфордни танлайдилар. Имтиҳонда берилган савол қуйидагича эди: “Барометр ёрдамида бино баландлигини қандай ўлчаш мумкинлигини тушунтиринг”. Талабанинг жавоби қуйидагича эди: “Барометр билан бинонинг томига чиқиб, узун арқонга барометрни боғлаб, пастга тушириш, сўнгра уни яна юқорига кўтариб, арқон узунлигини ўлчаш лозим, шу узунлик бинонинг баландлигини кўрсатади”. Вазият мураккаб эди, ўз навбатида, жавоб ҳам тўлиқ ва тўғри бўлган. Бошқа бир томондан, имтиҳон физика фанидан бўлган, бироқ шундай жавобга келишда эса бу соҳада қўллаш мумкин бўлган билимларга таянилмаган эди. Резерфорд талабадан қайтадан жавоб беришни сўрайди. Тайёргарлик учун олти дақиқа ажратиб, талабага жавобда физик қонуниятлар акс этиши лозимлигини тайинлайди. Беш дақиқа ўтгунга қадар талаба имтиҳон варақасига ҳеч нарса ёзмайди. Резерфорд талабадан имтиҳонни топшириш ёки топширмаслигини сўраганида, у муаммонинг бир неча ечими борлигини, шунчаки улар орасидан энг мақбулини танлаётганини айтади. Қизиқиши ортган Резерфорд вақт тугамаган бўлса ҳам, ёш талабадан жавобни айтишини сўрайди. Саволга энди қуйидагича жавоб янграйди: “Барометр билан бинонинг томига чиқинг ва барометрни ипга боғлаб, пастга ташланг, тушиш вақтини белгилаб кўйинг. Сўнгра формуладан фойдаланиб, бино баландлигини ҳисоблаш мумкин”. Шунда Резерфорд ўз ҳамкасби – ўқитувчидан жавобнинг маъқул

бўлган ёки маъқул эмаслигини сўрайди. Ўқитувчи жавоб қониқарли эканлигини тан олади. Бироқ талаба бир неча жавобни билишини эслатади ва қолган жавобларни ҳам айтиши учун рухсат сўрайди. Рухсат берилгач эса, шундай жавоб беради:

- Барометр ёрдамида бино баланбдлигини ўлчашнинг бир неча усуллари мавжуд. Масалан, куёшли кунда кўчага чиқиб, барометр ва унинг сояси узунлигини ўлчаш мумкин. Худди шунингдек, бино соясининг узунлиги ҳам ўлчанади. Сўнг оддий пропорцияни ҳисоблаш орқали бинонинг узунлигини ҳам топиш мумкин.

- Ёмон эмас, - деди Резерфорд. – Бошқа усуллар ҳам борми?

- Ҳа. Жуда оддий усул бор, бу усулнинг сизларга ёқиб қолишига ишончим комил. Барометрни кўлингизга олиб, зинадан кўтариласиз. Барометрни деворга тираб, белгилар кўйиб борасиз. Белгилар сонини барометр узунлигига кўпайтириб, бино баландилигини билиб оласиз. Бу энг ажойиб усул.

- Агар сал мураккаброқ усулни хоҳласангиз, - давом эттирди у, - барометрга ип боғлаб, уни маятник каби тебратиб, бинонинг асоси ва томида гравитацион катталикни аниқланг. Бу катталиклар орасидаги тафовутдан бино баландлигини ҳисоблаш мумкин.

- Ниҳоят, - яқунлади талаба, - бошқа кўпгина усуллар орасида бу масаланинг энг маъқул ечими шуки, барометрни олиб, бино бошқарувчисини топиш ва унга: “Жаноб бошқарувчи, менда ғаройиб барометр бор. Шу бинонинг баландлигини айтсангиз, уни сизга тухфа қиламан” – деб айтиш.

Шунда Резерфорд талабадан наҳотки бу масаланинг ҳаммага маълум бўлган ечимини билмаслигини сўрайди. У ечимни билишини айтади, бироқ ўқувчиларга ўз фикрлаш усулларини рўқач қилиб, шундай фикрлашга мажбурловчи ўқитувчилардан зерикканини, шунинг учун бино баландлигини ҳисоблашнинг ўзи учун тўғри деб ҳисоблаган жавобни айтганлигини таъкидлайди.

Бу талаба буюк физик, Нобель мукофоти совриндори Нильс Бор (1885-1962) эди”<sup>1</sup>.

Ҳақиқатан ҳам, айнан ностандарт фикрлаш тарзи Нильс Борни машҳур физик сифатида дунёга танитди, энг нуфузли Нобель мукофоти сари етаклади.

Ностандарт фикрлаш ва унинг инсон тафаккурини ривожлантиришдаги аҳамияти шубҳасиз. Илмда, бизнесда, сиёсатда ёки бошқа соҳаларда

<sup>1</sup> Нильс Хенрик Давид Бор – биография, ([to-name.ru/biography/nils-bor.htm](http://to-name.ru/biography/nils-bor.htm))

муваффақиятга эришган инсонларнинг барчаси одатдаги инсонлардан у ёки бу хусусияти билан фарқ қилади, аммо фикрлаш тарзидаги фарқ эса шубҳасиздир.

Дарҳақиқат, фикрлаш, тафаккур юритиш бу бизнинг муваффақиятларимиз ёки муваффақиятсизликларимизнинг энг муҳим шартларидан биридир. «Тафаккур юритишга ҳаракат қилган инсон, ҳеч шубҳасиз, ўзи интилаётган сўнгги даражадаги бахт-саодатга эриша олади» – дейди буюк файласуф Абу Наср Форобий [1].

Инсонларнинг фикрлаш тарзи унинг жамиятда тутган ўрни ва даражасига нисбатан тўғри пропорционалдир. Эътибор берганмисиз, одатий фикрлаш тарзига эга инсонлар одатдаги инсонлар каби ҳаёт кечирадилар. Аксинча, қайси соҳадаки муваффақиятга эришган инсонларнинг барчаси одатдаги инсонлардан кўра бошқача фикрлайдилар. Улардаги ностандарт фикрлаш тарзи инсоният учун ҳали маълум бўлмаган ечимларни топишига сабаб бўлган ва бунинг натижасида улар бизнесда, илм-фанда ёки санъатда улкан муваффақиятларга эришганлар.

Ҳар қандай масалада ечимга келишнинг кўплаб йўллари мавжуд. Аксарият инсонлар қайсидир масалага дуч келишса, бу масала ўзидан олдин қайси йўллар билан ечим топганига эътибор қаратишади ва шуларнинг орасидан ўзига энг маъқулини танлайдилар. Чунки педагогикамиз бизни узоқ йиллар давомида шу тарзда тарбиялаган. Ваҳоланки, ҳар қандай масаланинг ечимида ҳар доим шу пайтгача маълум бўлганидан ташқари яна бошқа йўллар ҳам мавжуд бўлади. Уларни топиш эса ноодатий фикрлайдиган, ўз йўлини қидирадиган инсонларгагина насиб этади. Масаланинг ечимида сиз топган янги йўл энг мақбули бўлмаслиги мумкин, аммо у сизгагина тегишли эканлиги ва янгилиги билан қадрли бўлади.

Янги топилган йўл бизнесда бу йўналишда рақобатчиларнинг кам бўлиши билан муваффақиятга етакласа, илм-фанда эса инсоният эришган илм-фан сарҳадларининг кенгайишига хизмат қилиши билан қадр топади. Янги усуллар топиш кишидаги фараз қилиш қобилияти билан амалга ошади. А.Эйнштейн фараз қилиш кўникмасини билимдонликнинг энг юқори поғонаси деб ҳисоблаган, фаразсиз янгилик очиш мумкин эмаслигига ишонган.

Математиклар “йигирмата масалани битта усул билан ечгандан кўра, битта масалани йигирмата усул билан ечган яхшироқ” эканлигини таъкидлайдилар. Бу бир хилликдан қочиш билан бирга креатив ёндашувни, ностандарт фикрлашни рағбатлантириш демакдир.

Хўш, ёшларни ностандарт фикрлашга ўргатиш учун бугунги кун педагогикамизда қандай усул ва воситалардан, методлардан фойдаланиш зарур? **Бу борада биз қуйидагиларни тавсия қиламиз:**

1. ўқитувчининг талабаларга ўз фикрлаш тарзини рўқач қилиб, улардан ҳам шундай фикрлашни талаб қилишдан тийилиши;

2. талабаларга фикр юритиш учун имконият бериш;

3. турли-туман ғоя ва фикрларни қабул қилиш, ўқитиш жараёнида мавжуд билимларни ёдлаш ва хотирада сақлашдан кўра масаланинг моҳиятини тушунтиришга эътиборни қаратиш;

4. илмий терминлар ва тушунчаларнинг таърифи, қонуниятлар ва қоидаларни шунчаки ёдлаш эмас, балки уларнинг мазмунини англаш ва моҳиятини тушунишга урғу бериш. Бунда унинг моҳиятини ўқувчиларга тушунтиришда муайян таъриф, қоида ва қонуниятни анализ (таҳлил) ва синтез (тавсиф) қилиш методи қўл келади (она тили предмети бўйича бирор машҳур таърифни мисол сифатида келтириб тушунтириш керак);

5. дарс машғулотларида ўқувчиларни ҳар бир фан, керак бўлса ҳар бир мавзу борасида ҳодиса ва моҳиятни, сабаб ва оқибатни англашига, фан доирасида ва фанлараро ўзаро боғланиш, муносабат ва мувозанатларни тушунишларига, чоғиштириш, солиштириш ва мантикий хулосалар чиқаришларига шароитлар яратиш;

6. талабаларда моҳиятга етиб келишнинг янги йўллари кидиришга рағбат уйғотиш, бунда талабаларга хатога йўл қўйишлари табиий ҳол эканлигини ва бундан чўчимаслик кераклигини тушунтириш;

7. янги фикрлар билан талабаларни кулгига қолмасликларига ишонтириш;

8. бир нечта масалани бир усулда ечишдан кўра бир масалани бир нечта усуллар билан ечишга қаратилган методлардан фойдаланиш;

9. талабалардаги ижодий фикрлаш тарзининг ҳар қандай кўринишларини рағбатлантириш;

10. талабаларнинг ўқув жараёнидаги фаоллигини таъминлаш;

11. ҳар бир талабанинг танқидий фикр юритишга қодир эканлигига ўзларида ишонч ҳиссини уйғотиш ва ҳоказо.

Аслида бу санаб ўтилган ҳар бир таклиф ўқитувчидан изланишни, ҳар бир дарс машғулотига пухта тайёргарлик кўришни талаб этади. Шунинг учун мен ўқитувчиларга ҳар бир дарс машғулотини ижодий жараён сифатида

қарашни ва унга тайёргарлик жараёнида мавжуд усул ва воситалардан фойдаланиш билангина чегараланмасликни, балки шу мавзуни ўқувчиларга етказишга ёрдам берадиган ҳар қандай усул, восита ва шакллардан фойдаланишдан чўчимасликларини айтган бўлар эдим. Демак, ностандарт фикрлаш тарзини барча фаолият турлари қаторида дарс машғулотида ҳам татбиқ этиш мақсадга мувофиқ деган хулосага келиш мумкин.

### **ХУЛОСА**

Умуман олганда, инсондаги ностандарт фикрлаш тарзининг аҳамияти эса талабаларда масаланинг моҳиятини англаш, соҳада янгилик ва кашфиётлар яратиш, ижодий фикрлаш тарзининг ривожланиши, хато қилишдан чўчимаслик кўникмасининг шаклланиши, ўзига нисбатан ишончни ортиши каби ижобий оқибатлар билан характерланади. Энг асосийси, ностандарт фикрлаш уларни ўқишда ҳамда ишда кашфиётлар ва янгиликлар сари етаклайди.

### **REFERENCES**

1. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2016. – 320 б.
2. Гаффарова Г.Г., Абдуллаева М.Н. (2017). Сложность в современной философии // Вестник Каракалпакского государственного университета им. Бердаха. №3, - С.99-102.
3. Гаффарова Г.Г., Абдуллаева М.Н. (2013). Когнитивность и креативность в контексте современной эпистемологии и образовании. Народы Евразии. История, культура и проблемы взаимодействия: международный научно-практические конференции. Прага, -С.107-111.
4. Гаффарова Г. (2018). Ёшларда когнитив тафаккурни ривожлантириш масалалари. Ёшларни ғоявий-мафкуравий тарбиялашнинг устувор йўналишлари: XV республика илмий-назарий конференция материаллари. – Самарқанд, Б.28-29.
5. Гаффарова Г.Г. (2012). Ёш авлодда креатив ва когнитив тафаккурни ривожлантириш масалалари. Оила маънавий тараққиёт таянчи: илмий-назарий конференция. Навоий, - Б.29-32.
6. Кашкаров А. Быстрое и нестандартное мышление: 50+50 задач для тренировки навыков успешного человека. – Алматы: «Эксмо», 2016.

7. Майнцер К. Сложносистемное мышление. Материя, разум, человечество. Новый синтез. – М.: Книжный дом «Либроком», 2009. – 464 с.
8. Эдвард де Боно. Латеральное мышление. – Минск: «Попурри», 2012. – 384 с.
9. Эдвард де Боно. Искусство думать: Латеральное мышление как способ решения сложных задач. - Альпина Паблишер, 2015.
10. Эдвард де Боно. Нестандартное мышление. – Минск: «Попурри», 2016. – 272 с.
11. Edward de Bono. Lateral thinking: Creativity Step by Step. - Harper & Row, 1970. – 300 с.
12. Makhmudova G., G'affarova G., Jalalova G. (2020). O'zbekistonda islohatlar jarayonini tahlil etish va amalga oshirishning konseptual-falsafiy metodologiyasi. 176 b.
13. Gaffarova G.G, Saydaliyeva N.Z. (2020). The influence of social networks on youth thinking and activity. JournalNX - A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal. 6 (5), 105-108.
14. Gaffarova G.G. (2018). Self-organization as an autopoietic system. Paradigmata poznani, vol. 3, pp. 56–60.
15. Gaffarova, G.G.; Jalalova, G.O. (2021). Human capital as the basis of society development. ISJ Theor. Appl. Sci., 4, 455–460.
16. Гаффарова, Г., & Абдуллаева, М. (2020). Тасаввуфнинг когнитив тизими замонавий фалсафа призмасида. Academic Research in Educational Sciences, 1(3), 102-114.
17. Гаффарова, Гулчехра Гуламжановна. (2020). Когнитив жараёнда аутопозис назарияси. Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар: Республика миқёсида 16-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари. 193-196.
18. Ниязимбетов М.Қ. Мураккаб тизимларни моделлаштиришнинг замонавий парадигмалари: дисс.я автореферати. – Тошкент, 2019. – 71 б.